Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 14-may, payshanba, № 60 (3565)

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 май куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Мустақилликнинг ҳар бир куни ҳаётимизга янгиланишлар, хушхабарлар олиб келмоқда, десак, муболаға бўлмайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтирмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб бормоқда. Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик намуналари асосида барпо этилган Халқаро ҳамкорлик маркази, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи, “Маърифат маркази”, “Пойтахт” бизнес маркази, “Бунёдкор” спорт мажмуаси сингари кўплаб иншоотлар шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Замонавий меҳмонхоналар, турaржойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларига кенг қулайлик яратмоқда.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

Хадра майдонида 2013 йили улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган эди. Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай имконият яратиш мақсадида Фурқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобил йўли реконструкция қилинганди. Бунинг узвий давоми сифатида Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтадиган янги кўприк қурилди.

Президентимиз Ислом Каримов 12 май куни ушбу кўприкни бориб кўрди.

Илгари бу чорраҳада иккита катта кўча кесишар, оқибатда тирбандлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилғи сарфи ошиб, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда эни 26, узунлиги қарийб 500 метр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Абдулла Қодирий кўчасининг ҳар бир йўналиши тўрт полосали қилиб кенгайтирилди.

Шу пайтгача Себзор кўчасининг ўтказувчанлик имконияти соатига 3200 автомобилни ташкил этган бўлса, 6 қаторли кўприк қурилиши самарасида бу кўрсаткич 9800 тага етади. Абдулла Қодирий кўчасида ҳам энди автомобиллар қатнови 2400 тадан 5600 тага ортади. Бу нафақат ушбу чорраҳадаги тирбандликни бартараф этади, балки Нурафшон, Абай, Олмазор, Зулфияхоним, Қорасарой, Сағбон, Зарқайнар, Навоий, Сақичмон кўчаларидаги қатновга ҳам ижобий таъсир қилади.

Эътиборлиси, шундай катта чорраҳада биронта ҳам светофор йўқ. Йўловчилар ҳам, автомобиллар ҳам бу ерда тўхтовсиз ва хавфсиз ҳаракатлана олади.

Ушбу янги иншоот “ТошкентбошпланЛИТИ” давлат унитар корхонаси ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик компаниясига қарашли “Кўприкқурилиш” трести томонидан бунёд этилган. Хорижнинг энг замонавий технологиялари ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилган.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юксак баҳо берди.

Аввалари бирор иншоот ёки кўприк қуриш керак бўлса, кимни ёрдамга чақиришни ўйлардик, деди Ислом Каримов. Битта кўприк қуриш учун икки-уч йил вақт кетарди. Энди мамлакатимизда замонавий шаҳарсозлик, йўлсозлик тажрибаси тўла шаклланди, кўприксозлик соҳаси пайдо бўлди. Мана шундай замонавий, муҳташам кўприкни 8 ойда бунёд этганимиз мамлакатимизнинг жадал ривожланиб бораётгани, халқимиз нақадар улкан ютуқ ва марраларга эришаётганини кўрсатади.

Бу гал мамлакатимиз йўлсозлигида яна бир янгиликка қўл урилди — кўприкнинг икки томонида пиёдалар учун 102 ва 111 метрлик иккита ер усти ўтиш йўлаги барпо этилди. Уларга чиқиб-тушиш учун зинапоя билан бирга эскалатор ва лифт ҳам қурилган. Уларда ёғин-сочинли кунларда ҳимояланиш мосламалари ҳам ўрнатилган. Бундай замонавий, одамлар учун барча қулайликлар эътиборга олинган кўприк-иншоотлар дунёнинг баъзи мегаполисларидагина мавжуд. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу иншоот мамлакатимизда кексаларни эъзозлаш, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилаётган эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

Себзор кўчаси орқали 98 метрлик яна бир ер ости йўли барпо этилгач, пиёдаларга чорраҳанинг тўртала томонига ҳам хавфсиз ўтиш имконияти яратилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида мазкур ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, Абдулла Қодирий кўчасини кенгайтириш, аҳолининг дам олиши ва мазмунли ҳордиқ чиқариши учун кенг имконият яратиш, мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида фавворалар бунёд этиш кераклигини таъкидлаган эди.

Ушбу тавсиялар асосида бу ерда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада, пойтахтимизда яна бир сўлим маскан пайдо бўлди. Йўл бўйига каштан, эман ва лола дарахтлари ўтказилди, райҳонлар экилди. Бу манзара халқимизнинг файзли боғларини, обод хонадонларини эслатади, қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Дарахт ҳам тирик жон. У соя беради, кўзни қувонтиради, соғлиқни мустаҳкамлайди, умрни узайтиради. Дарахтни севиш, асраш керак. Бу мутасадди ташкилотлар билан бир қаторда мана шу ерда яшаётганларнинг, бутун пойтахтимиз аҳолисининг вазифаси, бурчи бўлмоғи даркор, деди Юртбошимиз.

Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, дам олиши учун имконият яратиш, мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида бу ерда учта фаввора қурилди. Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи олдидаги фаввора реконструкция қилинди. Уларнинг атрофида одамлар ҳордиқ чиқариши, болажонлар яйраб ўйнаши учун шароит яратилди.

Президентимиз шу атрофда истиқомат қилаётган фахрийлар ва ёшлар билан суҳбатлашди.

— Эски шаҳар аҳолиси асрлар давомида кўримсиз уйларда яшаб келган, у ерда биронта янги қурилиш бўлмаган, — деди Ислом Каримов. — Бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режасини ишлаб чиқдик. Унга кўра, янги йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этилмоқда. Энди Эски шаҳарни “Эски шаҳар” дейиш тўғри келмайди. Яқин йиллар ичида бу жой ҳамма ҳавас қиладиган замонавий масканга айланади.

Аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш борасидаги ишлар натижасида пойтахтимиз тобора обод ва кўркам бўлиб бораётир. Буюк Британиянинг нуфузли “Экономист” журналининг баҳосига кўра, Тошкент шаҳри дунёдаги яшаш учун энг қулай бўлган 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбари ушбу майдоннинг қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг, аввало, болаларнинг дам олиши учун яратилган қулайликларни кенгайтириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тавсиялар берди.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг, мамлакатимиз тараққиётининг ёрқин намойиши бўлган бундай замонавий иншоотлар, ободонлаштириш ишлари аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбирлари

Халқаро валюта жамғармасининг жаноб Ражи Альмарзоки раҳбарлигидаги миссияси 2015 йилнинг 29 апрел — 12 май кунлари IV Моддага мувофиқ, 2015 йилги маслаҳатлар ўтказиш учун Тошкентда бўлди.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ НИЗОМИНИНГ IV МОДДАСИГА МУВОФИҚ, 2015 ЙИЛГИ МАСЛАҲАТЛАР ДОИРАСИДА ХВЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МИССИЯСИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Ражи Альмарзоки миссия иши якунлари тўғрисида қуйидагича баёнот берди:

«Ўзбекистон иқтисодиёти Европа ва Россиядаги иқтисодий фаолликнинг сустлиги, шунингдек, нефт нархи пастлиги билан ифодаланадиган мураккаб ташқи шароитда ҳам ўз барқарорлигини намоён этмоқда. 2014 йилда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил этди ва бундай юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолди. 2015 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот 7,5 фоиз ўсди. Давлат томонидан катта ҳажмда инвестициялар сарфланаётгани ва газ экспортини Россиядан Хитойга қайта йўналтириш стратегияси ушбу босқичда мамлакат иқтисодиётини минтақанинг бошқа давлатларида рўй бераётган секинлашишдан ҳимоя қилди. Ташқи иқтисодий мавқе мустаҳкамлигича қолмоқда, аммо жорий операциялар ҳисоб-китоби бўйича профицит ҳажми камайган. ХВЖ ходимлари томонидан истеъмол нархлари индексини ҳисоблашнинг муқобил услуби асосида ҳисоблаб чиқилган йиллик инфляция даражаси 2015 йилнинг март ойини ҳам қўшганда бир рақамли кўрсаткичгача пасайди ва тахминан 9 фоизни ташкил этди.

Солиқ-бюджет сиёсати ҳар доимгидек пухта амалга оширилмоқда. 2014 йилда бирлаштирилган бюджетда кичик профицит юзага келгандан сўнг, 2015 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича бюджет ижроси мувозанати таъминланди. Бу бюджетда кўзда тутилганидан кам маблағ сарфлангани билан боғлиқдир. Инвестициялар ҳамон давлат харажатларининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

Пул-кредит сиёсати ҳам мослашувчанлик даражасида сақланиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йилнинг январ ойидан асосий ставкани, қайта молиялаштириш ставкасини 12 фоиздан 9 фоизга туширди. Иқтисодиётда кредитлар ҳажми юқорилигича қолмоқда. Ўзбек сўмини алмаштириш курсининг пасайиш суръатлари Ўзбекистоннинг савдо шериклари бўлган мамлакатлар валютасига нисбатан анча паст.

Банк сектори барқарорлик, изчил капиталлашув ва юқори ликвидлик даражасини сақлаб қолмоқда. 2014 йилда гаров таъминотини рўйхатга олишнинг марказлаштирилган тизими жорий этилгани молиявий ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш имконини берди.

Келгуси истиқбол ҳақида сўз борганда, шуни айтиш керакки, 2015 йилда иқтисодий ўсиш, кутилганидек юқори бўлади. Бунга яқинда қабул қилинган саноат ва инфратузилмани модернизация қилиш, шунингдек, таркибий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда иқтисодиётда давлатнинг ролини камайтириш имконини берадиган хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув дастурлари самарасида эришилади. Шундай бўлса-да, қисқа муддат ичида Ўзбекистоннинг асосий савдо шериклари ҳисобланган мамлакатларда ўсиш суръатларининг кутилганидан ҳам сезиларли даражада секинлашиши билан боғлиқ хавфларнинг кучайиш эҳтимоли кузатилмоқда. Валюта захираларининг етарлилиги, бюджет соҳасининг мустаҳкамлиги ва давлат улуши даражасининг пастлигини ўз ичига олган салмоқли буфер захираси ҳисобидан юқорида келтирилган омиллар таъсирининг олди олинади. Тегишли иқтисодий сиёсат чоралари, жумладан, солиқ-бюджет сиёсатининг ўртача юмшатилиши, қатъий пул-кредит сиёсати ва мослашувчан алмашув курси қисқа муддатли даврда иқтисодиётда салбий таъсирларни юмшатиш имконини беради.

(Давоми 2-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси 2015 йил 15 май куни эрталаб соат 10:00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2015 йил 14 май куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

МУНОСАБАТ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган фикрлари катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

ҒАНИМАТ УМРНИ БЕЗАЙЛИК

Юртбошимиз томонидан билдирилган фикрлардан қалбим чексиз ифтихорга тўлди.

Айниқса, қуйидаги сўзларини эшитиб, шундай юртда яшаётганим учун шукроналар келтирдим. “Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзуда тадқиқот ўтказилди ва унинг натижалари матбуотда эълон қилинди. Ана шу тадқиқотга кўра, Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган».

(Давоми 2-саҳифада).

СУҲБАТ

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

имкониятлар кўламини янада кенгайтирди

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаева билан суҳбат

— Бугунги ривожланиш жараёнида меҳнаткашларнинг асл ҳимоячиси — касаба уюшмаларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларга ёндашуви тубдан ўзгарди. Нуфузи ҳам ортди.

— Дарҳақиқат, устувор йўналишларимиз ижросига холисона баҳо берадиган бўлсак, самарали ютуқларга эришилаётгани аён бўлади. Хусусан, ходимлар манфаати ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, меҳнат бозорини самарали тартибга солиш каби муҳим масалаларда ижобий силжишлар юз берди. Жамоатчилик иштироки билан меҳнат муҳофазаси борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар сезиларли камайди.

(Давоми 2-саҳифада).

Юқори технологиялар — санаторий кутубхоналарида >> 2



Соғлом элнинг эртаси бор >> 3

Касаба уюшма фаоллари — Самарқандда >> 4



2015-yil 14-may, payshanba, № 60 (3565), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

имкониятлар кўламини янада кенгайтирди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Маданий-маърифий ва спорт тадбирлари одамларга кўтаринки кайфият бахш этаётир. Ўтган йилда Федерация Кенгаши Ўқув марказида вилоят касаба уюшма ташкилотларининг 68 нафар ходими фаолиятнинг барча йўналиши бўйича ўқитилди. Бундан ташқари, Ўқув маркази сайтида ташкил этилган масофадан малака ошириш тизими орқали 120 нафар ходим малакаси оширилди. Шунингдек, бирлашма кенгашининг бир гуруҳ ходимлари Россия ва Молдовада тажриба алмашиб қайтишди.

Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган 2000 нафар болага касаба уюшма ҳамда корхона ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан кўмаклашилди. Шунингдек, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар, тизим тармоқларига мурожаат қилган эҳтиёжманд аҳоли қатламига моддий ёрдам берилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури асосида устувор вазифаларни белгилаш асноси имкониятларимизни яна бир карра элакдан ўтказиб олдик. Наврўз байрами арафасида нуронийларга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан йўқланди, озиқ-овқат жамланмаси, дори-дармонлар улашилди. Нурота туманидаги "Мурувват уйи"да яшовчи 130 нафар кекса ҳолидан хабар олиниб, кийим-кечаклар тухфа қилинди.

Тизим санаторийларида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини бепул соғломлаштириш давом эттирилмоқда. Ишловчи кексалардан 90 нафарини тизим санаторийларида соғломлаштириш мўлжалланган бўлиб, шундан 7 нафари бепул йўлланмалар билан дам олдирилди. Ёши юздан ошган нуроний отахону онахонларнинг 27 нафарига кийим-кечак жамланмаси тарқатилди.

— Тизимни ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш учун нималарга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайсиз?

— Тизим салоҳиятини кучайтириш учун, биринчи навбатда, аъзолар сони кескин ўсишига эришмоқ лозим. Гарчанд, вилоят бўйича бошланғич касаба уюшма ташкилотлари 1252 та, аъзолар 20747 нафарга етказилган бўлса-да, барча ишчи-ходимларнинг манфаатдорлиги тўла қамраб олинди, дейишга ҳали эрта.

2013 йил якунига кўра, вилоят нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотларда 135 та тизим бошланғич ташкилоти мавжуд бўлиб, аъзолар сони 1985 нафар эди. Ўтган йилда бирлашма ва тармоқ ходимлари ҳамжиҳатлигида бир мунча ўсишга эришилди. Яъни, тизим таркибидаги аъзо корхона ва ташкилотлар 528 тага, аъзолар эса 3902 нафарга етказилди. Жорий йил биринчи чорагида янги аъзо ташкилотлар 92 тага кўпайиб, аъзоларимиз сони 593 нафарга ортди. Шунга қарамасдан, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Энергетика, Кимё саноати, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси сингари тармоқларда касаба уюшмаларига жалб этилмаган жамоалар ҳамон анчагина. Шунингдек, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги фермер ва деҳқон хўжаликларида ишловчиларнинг муайян қисми меҳнат дафтарчаларига эга эмаслиги долзарб масала сифатида бизни ташвишга солмоқда. Айнан шунга кўра, тармоқлар шаҳар ва туман кенгашлари ҳамкорлигида тадбирлар ўтказилиб, мавсумий ишчилар рўйхатга олинмоқда. Бир вақтнинг ўзида уларга меҳнат дафтарчалари очилиши ҳамда тизимнинг тегишли тармоғига аъзо бўлиши таъминланмоқда.

Касаба уюшма етакчилари ва ходимлари билимли, мустақил фикрлайдиган, ўз соҳаси муаммоларини яхши тушунадиган бўлиши лозим. Шуни назарда тутган ҳолда корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилаётган касаба уюшма ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишлари чоғида муносиб номзодлар сайланишига эришиш учун саъй-ҳаракатлар мунтазам давом эттирилмоқда.

Мақсадимиз эзгу, яъни ҳеч бир жамоа, ҳеч бир ходим эзгуликка йўғрилган ҳимоядан четда қолмаслиги даркор.

Суҳбатдош:
Мансур АЛОВУДДИНОВ,
"Ishonch"мухбири

ТААССУРОТ

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — САНАТОРИЙ КУТУБХОНАЛАРИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилган "Central Asia — 2015: фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари" мавзуидаги тўққизинчи халқаро конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги "Ботаника", "Бўстон", "Умид гулшани", «Чинобод» санаторийлари вакиллари ҳам иштирок этди.

Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳасида электрон ахборот ресурсларини қўллаш ва ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган ушбу анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Чехия, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Украина ва бошқа мамлакатлардан келган мутахассисларнинг ранг-баранг фикрлари тингланди. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг турли тармоқларига илғор ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири экани эътироф этилиб, бу самарали ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик учун ҳам қулай имкониятлар яратиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Илм-фан, таълим ва маданиятни ривожлантиришда ахборот-кутубхона фаолиятининг роли ва аҳамияти, ахборот-кутубхона муассасаларининг нашриётлар, архив ва музейлар билан ҳамкорлиги, ушбу муассасалардан фойдаланувчиларнинг ахборот маданияти ҳамда медиа саводхонлигини шакллантириш масалаларига бағишланган шўъба йиғилишларида замонавий ахборот технологиялари муҳитида кутубхонани ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, дунёнинг йирик кутубхоналаридаги инновацион ечимлар хусусида маърузалар барчада катта қизиқиш уйғотди. Мутахассислар томонидан электрон кутубхоналарни ривожлантиришнинг муҳим халқаро тенденциялари ва ахборот-кутубхона соҳасида фойдаланилаётган янги рақамли технологиялар кенг муҳокама қилинди.

"Ахборот-кутубхона муассасаларининг нашриётлар, архивлар ва музейлар билан ҳамкорлиги" деб номланган 3-шўъба ишида Санатор-курортлар бошқармаси Ўқув маркази маданий-маърифий ишлар ташкилотчиси Маҳмуда Мурзаева маъруза қилди.

Маърузачи бугунги кунда санаторийларнинг замонавий кутубхоналарида нафақат китоблар, балки ахборот, электрон нашрлар ва ҳужжатлар билан ишлашни ўзлаштириш билан бирга, кутубхона ишини электрон кўринишда олиб боришнинг янги технологик усулларини жорий қилиш кераклигига урғу бериб, бу борада олиб борилаётган ишларга эътиборни қаратди.

Республика аҳолисининг яшаш тарзи, моддий аҳволи яхшиланиб бориши ҳамда санаторий, дам олиш масканларида соғломлаштириш ва дам олдириш шароитлари сифат даражасининг кўтарилганлиги дам олишга бўлган талаб ва истакларнинг кескин ортишига сабаб бўлганлигидан қувониш керак, албатта. Бу эса айни вақтда дам олувчиларга маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, юртимизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари, олимлари, санъаткорлари билан учрашувлар, тарихий қадамжоларга зиёратлар ҳамда мустақиллик йилларида бунёд этилган диққатга сазовор жойларга саёҳатлар, театр, музей ва кўргазма залларига ташрифлар уюштириш борасидаги ишлар кўламини янада оширишни талаб этаётир. Негаки, кишининг қалбини даволамай туриб, жисмини даволаб бўлмайди.

Анжуманнинг биринчи куниданоқ шўъбалар ишида ишчанлик, кўтаринкилик кўзга ташланди. Ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирилиб, барча жабҳаларда бўлгани каби кутубхоначилик соҳасига ҳам ахборот технологияларини татбиқ қилиш уни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши айтиб ўтилди.

Маълумки, Қашқадарёда ташкил этилган саккизинчи халқаро конференцияда Санаторкурортлар бошқармаси тасарруфидаги санаторийлар кутубхоналарида интернет хизмати йўқлиги танқид қилинганди. Бу йилги анжуманда тизимдаги барча кутубхоналарнинг электрон ахборот, электрон-кутубхона ресурсларидан кенг фойдаланишларини яхшилаш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан янги технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли ҳамкорлик йўлга қўйилгани қайд этилди.

Ҳозирги кунга келиб санаторий кутубхоналари томонидан оила мустаҳкамлигига кўмаклашиш, аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш мақсадига қаратилган кенг тарғиботташвиқот ишлари олиб борилмоқда, хусусан, видеороликлар, филмлар намойиши ёрдамида соғлом турмуш тарзи, аёллар орасида онкологик касалликларнинг олдини олишга бағишланган давра суҳбатлари, мутахассислар билан учрашувлар ташкил этилмоқда, мавзуга доир буклетлар тарқатилмоқда.

Кези келганда, таъкидлаш жоизки, санаторий кутубхоналари янги адабиётлар ва бадиий китоблар билан бойитилиб, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, тиббий бурчаклар ташкил этилмоқда. Умумхалқ байрамлари ва муҳим саналар муносабати билан китоблар кўргазмаси ва маданий тадбирлар уюштирилаётир. Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб "Қариси бор уйнинг париси бор", "Кексалар ҳаёти — биз учун ибрат" кўргазмалари, Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган шеърият кечалари, адабий учрашувлар шулар жумласидандир.

Халқаро конференция сабоқлари, ўйлаймизки, маърифат аҳлининг бу борада олиб борилаётган ишлар салмоғи ва сифатини янада кенгайтиришида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Абдуваҳоб ТОЖИЕВ,
ЎзКУФ Санатор-курортлар бошқармасига қарашли "Чинобод санаторийси"АЖ Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби

КАСАБА УЮШМА КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ортда қолган беш йил Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши фаолиятида туб ўзгаришлар даври бўлди. Кенгаш таркибидаги бошланғич ташкилотлар 121 тадан 184 тага ортиб, касаба уюшма аъзолари 7435 нафардан 9627 нафарга кўпайди. Муҳими, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом ва бехатар меҳнат шароити яратиб беришга эришиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати кучайтирилди. Касаба уюшма аъзоларини соғломлаштириш, улар ўртасида маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирларини ташкил этишда муайян ютуқларга эришилди.

ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Жамоа келишуви ва шартномаси бандларининг бажарилиши орқали ходимлар манфаатдорлиги ортди. Биргина ўтган йилда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига 47 млн. 409 минг сўмлик ижтимоий кўмак берилди.

Кўнгилга илиқлик солувчи ушбу рақамлар яқинда бўлиб ўтган тармоқ касаба уюшмаси Бухоро шаҳар ташкилотининг IV ҳисобот-сайлов конференциясида алоҳида қайд этилди.

Ҳисобот маърузасида таъкидланганидек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар ташкилот нуфузини оширди. Касаба уюшма кенгаши меҳнат муҳофазаси комиссияси томонидан ташкилотлар фаолиятини ўрганиш туфайли жойлардаги хато ва камчиликлар ўз вақтида тугатилди, хавфсиз меҳнат шароити яратилди.

Ўтган даврда "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин", "Касаба уюшмалари — фахрийларга", "Касаба уюшмалари — болаларга!" каби ўндан ортиқ акциялар доирасида кўплаб хайрли ишларга қўл урилди. 4593 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Эҳтиёжмандларга дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди. 16 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ходим санаторийларда даволаниши учун бепул йўлланма билан таъминланди.

Шунингдек, эҳтиёжманд ходимларнинг истеъдодли, иқтидорли фарзандларига касаба уюшма стипендияси бериш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини амалиёт даврида моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш борасида ибратли жиҳатлар кўп бўлди.

Ҳисобот юзасидан сўз олган Бухоро шаҳар 123-ихтисослаштирилган мактаб-интернат касаба уюшма қўмитаси раиси Замира Муҳаммедова, БухДУ қошидаги 4-академик лицей касаба уюшма қўмитаси раиси Шаҳноза Шарипова, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти касаба уюшма қўмитаси раиси Рустам Остонов ва бошқалар шаҳар кенгашининг фаолиятини ижобий баҳолашди.

Конференцияда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Дилафрўз Аралова бир овоздан кенгаш раислигига навбатдаги муддатга сайланди.

Конференция ишида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси F.Сафаров, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Р.Носирова қатнашди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ НИЗОМИНИНГ IV МОДДАСИГА МУВОФИҚ, 2015 ЙИЛГИ МАСЛАҲАТЛАР ДОИРАСИДА ХВЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МИССИЯСИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ПРЕСС-РЕЛИЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Аҳоли барча қатламлари манфаатларига хизмат қиладиган барқарор ва мувозанатли ўсиш суръатлари ҳисобидан сектори изчил ривожлантиришни рағбатлантиришга асосланган. Бунда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, корпоратив бошқарув ва ошкоралик принципларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Расмий идоралар хусусий секторни изчил ривожлантиришнинг аҳамиятини яхши тушунади. Расмий идораларнинг таъкидлашича, валютани назорат қилиш чораларини юмшатиш, асосий инфратузилма ва хомашё ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, хусусий мулк ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, лицензия ва рухсат беришни расмийлаштириш билан боғлиқ тартиб-таомиллар, муддат ва харажатларни камайтириш, шунингдек, хусусий экспортчиларни қўллаб-қувватлаш орқали хусусий секторни ривожлантиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўрилади. Бу борадаги қатъий чоралар хусусий секторни ривожлантиришга янги туртки беради.

Шу муносабат билан миссия расмий идораларнинг энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тартибга солинадиган нархларни босқичма-босқич ошириш орқали энергия ресурслари учун мавҳум субсидияларни қисқартириш бўйича стратегиясини, шунингдек, давлат мулки бўлган 1500 дан зиёд объектни корпоратив бошқаришни мустаҳкамлаш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорини ижобий баҳолайди.

Расмий идораларнинг солиқ-бюджет статистикасини эълон қилиш орқали маълумотлар ошоралигини таъминлаш тўғрисидаги қарори ҳам эътиборга моликдир. Муҳим иқтисодий ва ижтимоий ахборотдан фойдаланиш ва унинг сифатини янада ошириш амалга оширилаётган сиёсатни ҳақиқий маълумотларни қўллаш ёрдамида мустаҳкамлаш имконини беради. Шу муносабат билан миссия расмий идораларнинг миллий ҳисоб-рақамлар статистикаси масаласи бўйича техник ёрдамни жалб этиш борасидаги режасини маъқуллайди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий идоралари ва бўлиб ўтган учрашувларнинг бошқа иштирокчиларига самимий меҳмондўстлик ҳамда самарали мулоқот учун миннатдорлик изҳор этади».

ҒАНИМАТ УМРНИ БЕЗАЙЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бизнинг энг катта бахтимиз, шубҳасиз, эмин-эркин, осойишта шароитда яшаётганимиздир. Заминимизда ҳукм сураётган барқарор тинчлик туфайли қалбимизда хотиржамлик, уйқумизда ҳаловат бор. Келажагимиз эгалари бўлган ширидан-ширин невараларимиз толеида, лабларидаги кулгусида унинг акси намоён.

Ҳар тонг истиқлол шукронасини қилиб, дуога қўл очарканман, муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида она тилимиз, муқаддас динимиз, қадриятларимиз қайта тикланганидан фахр ҳиссини туяман. Биргина ҳажга бориш боболаримизга қандай армон эди. Мен бўлсам, озодлик шарофати билан ҳаж сафарида бўлдим. Ота-боболаримиз кўрмаган замонни кўрдик. Шундай экан, ғанимат умрни доимо эзгу ишлар билан безаш пайида бўлайлик.

Саидхон ҳожи АЗИМОВ,
меҳнат фахрийси.
Пастдарғом тумани,
Зормон қишлоғи

***

Мустақиллик инсоний қадр-қимматимизни ёдимизга солди, десак адашмаймиз. Яратганга шукрона айтаманки, бугун «Бой биби» бўлиб, давраларнинг тўрида ўтирибман.

Э-ҳе, нимасини айтай, илгарилари йил-ўн икки ой ишлаб, косамиз оқарганмиди? Бор бойлигимиз керза этигу, зилдай кетмон ва қуруқ ҳамён эди. Истиқлол туфайли қўлимиз ҳар нарсага етадиган бўлди, фарзандларимиз ўз мулкига эга, топганлари ўзиники. Уларнинг толеини кўриб, қувонаман.

Бунёдкорлик ишларининг чегараси йўқ. Ёшларимиз данғиллама уйларда яшаяпти, ҳар оилада икки-учтадан машина. Бу неъматларга шукр қилмай бўларканми? Ҳа, айтганча, бу йил биз, кексаларнинг йили бўлди. Эъзозу ҳурматдан бошимиз осмонга етди. Фронт орти меҳнат фахрийсисиз, деб совғалар билан йўқлаб келишди. Хоҳлаган санаторийингизни айтинг, сизни дам олдириб, соғлигингизни тиклаймиз, дейишганида, рости, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Қаранг-а, одам бўлиб бир кун санаторийда дам олмабман. Юртбошимизга минг раҳмат, биз, кексаларга умримизда кўрмаган иззат-ҳурмат кўрсатиб, дуомизни олаяптилар.

Тинчлик ҳукм сурган диёрда яшамаганимизда шундай бахтиёр ҳаётни тасаввур қилишимиз мумкинмиди? Ахир дунёда кечаётган воқеалардан огоҳ бўлиб турибмиз, айрим давлатларда юзага келган урушу жанжаллар нима оқибатларга олиб келаётир. Президентимиз Хотира ва қадрлаш куни журналистларга берган интервьюсида бу жиҳатга алоҳида урғу берди: "Биз дунёнинг турли ўлкаларида давом этаётган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақатгина сиёсий йўл билан, тинчлик йўли билан ҳал этиш тарафдоримиз".

Ҳа, тинчлик бебаҳо неъмат. Тинч-осойишта ҳаётимизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Илоҳо, юртимиз жамолига, халқимиз бахтига кўз тегмасин.

Ҳикоят биби АШУРОВА
меҳнат фахрийси.
Шофиркон тумани,
Саврак қишлоғи

***

Нуронийларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш азалий қадриятларимиздан саналади. Кексаларни эъзозлаш йили бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда «Бугун ҳеч кимга сир эмас: миллион-миллионлаб одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талофот ва мусибатлар олиб келган бу уруш инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини бу дунёда ҳеч ким унутмайди. Ва фашизм устидан қозонилган ғалаба нақадар қимматга тушганини юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси одам яна ва яна бир бор англаши, қалбидан ўтказиши табиийдир», деган фикрларни билдириб ўтди.

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон урушида ўзбек жангчиларидан минг-минглаб қурбонлар берилди. Уларни хотирлаш, пок номини доимо сақлаш, эл-юрт учун фидокорона меҳнат қилган нуронийларни қадрлаш мақсадида 1999 йилдан эътиборан юртимизда Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланиб келинаяпти.

Кексаларни эъзозлаш йилида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийлари давлатимиз томонидан алоҳида қўллаб-қувватланмоқда. Уларга "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали, пул мукофотлари топширилаётир. Маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан совға-саломлар улашилмоқда. Бу эҳтиром замирида чуқур маъно мужассам. Зеро, юрт, эрк учун қилинган эзгу иш, кўрсатилган жасорат мангуликка дахлдор бўлиб, ҳамиша улуғланади.

Гулжаҳон ШАРИЕВА,
2-Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси

2015-yil 14-may, payshanba, № 60 (3565), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Диққат, танлов!

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСИ» ТАНЛОВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни рағбатлантириш, ёш авлод вакилларида Ватан туйғуси ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга кўмаклашиш мақсадида "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловини ўтказади.

"Энг фаол ёш банк ходими", "Энг фаол ёш маданият ходими", "Энг фаол ёш тадбиркор", "Энг фаол ёш фермер", "Энг фаол ёш шифокор", "Энг фаол ёш архитектор", "Энг фаол ёш дастурчи", "Энг фаол ёш олим", "Энг фаол ёш темирйўлчи", "Энг фаол ёш авиаходим", "Энг фаол ёш геолог", "Энг фаол ёш кимёгар", "Энг фаол ёш кончи", "Энг фаол ёш машинасоз", "Энг фаол ёш металлург", "Энг фаол ёш энергетик" номинациялари бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун касаба уюшмасига аъзо турли соҳаларда фаолият юритаётган 35 ёшгача бўлган фаол ёш мутахассислар таклиф этилади.

Танловда қатнашиш учун танлов номинацияси номи кўрсатилган ҳолда талабгор ўзи меҳнат қилаётган корхона касаба уюшмаси қўмитасига қуйидагиларни тақдим қилади:

– иш фаолиятига оид ва эришган ютуқларини акс эттирувчи, тегишли ташкилот раҳбари томонидан имзоланган тавсифий тавсиянома;
– маълумотнома-объективка;
– паспорт нусхаси;
– 2 та (3,5х4,5) оқ фондаги рангли фотосурат (электрон нусхаси билан бирга);
– ўз меҳнат фаолиятида эришган ютуқларини тасдиқловчи ва акс эттирувчи ҳужжатлар;
– яшаш манзили, уй ва иш телефонлари;
– қўшимча равишда ижодий, бадиий ва илмий ишлари нусхалари, янги ишланма ва лойиҳалари, лойиҳани татбиқ қилиш механизми ва унинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар, оммавий ахборот воситаларида ўз соҳасига оид мавзуларда чоп этилган мақолалари, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий етуклиги, жамоат ишларида фаол иштироки тўғрисидаги тавсиялар тақдим этилиши мумкин.

АСОСИЙ МУКОФОТ

"Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танлови ғолиблари орасидан сараланган мутахассис, яъни янги ишланма ва лойиҳаларга эга бўлган, лойиҳаси самарадорлиги натижасида республика иқтисодиётига ҳиссаси қўшиладиган, ижтимоий-сиёсий фаол бир нафар ёш мутахассис касаба уюшмаларининг гранти билан тақдирланади.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг эсдалик совға ҳамда дипломлари билан тақдирланади.

ТАНЛОВ ТЎРТ БОСҚИЧДА:

I босқич – 20-30 май кунлари корхона, ташкилот ва муассасаларда;
II босқич – 1-15 июн кунлари туман (шаҳар) миқёсида;
III босқич – 15-30 июн кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида;
IV босқич – июл ойида республика-тармоқлараро миқёсида ўтказилади.

Танлов ғолибларига мукофотлар 2015 йил сентябр ойида ташкил этиладиган "Ёш мутахассислар" III республика форумида тантанали равишда топширилади.

Танлов мезонлари билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг интернет тармоғидаги ***www.kasaba.uz*** портали орқали танишиш мумкин.

Танлов тўғрисида қўшимча маълумотлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ва "Камолот" ЁИҲнинг ҳудудий бўлинмалари ва республика кенгашлари орқали берилади.

Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг (+998 71) 256-76-57, 256-48-81 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ШАРТНОМА ЁЗМА ТУЗИЛАДИ

САВОЛ: Транспорт воситасини ижарага бериш шартномасини тузиш тартиби қандай?

У. ТЕШАБОЕВ,
Гулистон тумани

ЖАВОБ: Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси, унинг муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага кўра транспорт воситаси ижара шартномасини тасдиқлашда нотариус қуйидагиларни талаб қилади:

- транспорт востасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат — яъни транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (нусхаси қолдирилиб, асли қайтариб берилади);
- ижарага берилаётган транспорт воситаси давлат рўйхатидан ўтказиладиган мулк бўлса, унинг бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги ҳақидаги маълумот;
- транспорт воситаси умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки), барча эгаларининг (эр-хотиннинг) розилиги;
- ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида тузилган транспорт воситасини топшириш ва қабул қилиш далолатномаси;
- васийликдаги шахсга қарашли бўлган транспорт воситаси бир йилдан ортиқ муддатга ижарага берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги.

Транспорт воситаси ижара шартномаси шартномада белгиланган муддатга тузилади. Агар транспорт воситаси ижара шартномасининг муддати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Ижарага берувчи шартнома амал қилиб турган бутун муддат давомида ижарага берилган транспорт воситасини тегишли ҳолатда сақлаши, шу жумладан, жорий ва капитал таъмирлаши ҳамда зарур асбоб-ускуналарни бериши шарт.

Саволга Ховос тумани давлат нотариал идораси нотариуси Ш.ҚАРШИЕВА жавоб берди.

ГУВОҲНОМА НЕГА КЕРАК?

Савол: Шахсимни тасдиқловчи ҳужжат — паспортим бор, лекин туғилганлик ҳақида гувоҳномам йўқ. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома вояга етган, паспорт олган шахс учун керак бўлиши мумкинми?

Б.ЖАМАЛОВА,
Хўжайли тумани

ЖАВОБ: Зарур ҳолатда нотариал идораларда уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини расмийлаштиришда, мерос масалаларида, шунингдек, хорижга чиқиш вақтида ва шунга ўхшаш ҳолатларда, албатта, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома керак. Унда фуқарога тегишли аниқ далиллар: туғилган жойи, ота-онаси кимлиги, қайси миллатга мансублиги, қариндошлик ришталари каби зарур маълумотлар бўлади.

Саволга Хужайли туман 2-сон ФҲДЁ бўлими инспектори Гулсара ДАВЛЕТМУРАТОВА жавоб берди.

ТАЪТИЛДА КАСАЛ БЎЛДИМ...

САВОЛ: Меҳнат таътили вақтида касал бўлиб қолган ходим бу ҳақда иш берувчини хабардор қилиши шартми? Ходимнинг даволанган муддати меҳнат таътили муддатидан чиқариб ташланадими?

Т.ЖЎРАЕВ,
Ангрен шаҳри

Жавоб: Меҳнат кодексининг 145-моддасида таътилларни узайтириш ёки уни бошқа муддатга кўчириш шартлари келтирилган. Унга кўра ходимнинг меҳнат таътили пайтидаги вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги муддати мутаносиб равишда таътил кунларига қўшиб берилади.

Мисол учун, ходимга 17.05.2015 йилдан 16.06.2015 йилгача меҳнат таътили берилган, 24.05.2015 йилдан 28.05.2015 йилга қадар (4 кун) у касал бўлган. Мазкур ҳолда иш берувчи ходимнинг меҳнат таътилини 4 кунга, яъни 20.06.2015 йилгача узайтириб бериши шарт, бунинг учун ходим тегишли ҳужжатни тақдим этиши лозим.

Агар ходим иш берувчини таътил вақтида касал бўлиб қолгани ва уни ўзи узайтирганлиги тўғрисида хабардор қилмасдан, таътил тугаган вақти ишга чиқмаса, иш берувчи мазкур ҳаракатларни ходим томонидан меҳнат вазифаларини бузиш сифатида баҳолаб, интизомий жавобгарликка тортиши мумкин.

Таътил узайтирилганлигини расмийлаштириш учун ходим ариза ёзиши шарт эмас. Тақдим этиш керак бўлган ва иш берувчини таътилни узайтиришга мажбур этадиган ягона ҳужжат — вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳисобланади.

Ходим касал бўлганда, иш берувчи нафақат унинг таътилини узайтириши, балки меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган ишдан озод қилинадиган барча кунлар учун нафақа бериши ҳам шарт.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Farg'ona mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига ҳамда Фарғона Политехника институти билан 06.04.2015 йилда тузилган 02-сонли шартномага асосан, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй манзилда сақланаётган 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 40849 AAA бўлган, "GM UZ NEXIA DONC" русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 14 155 936 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 29 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 27 май, соат 17:00.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2015 йил 29 майдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2015 йил 5-, 12 июн кунлари бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 5 июндаги савдо учун 3 июн куни соат 18:00, 12 июндаги савдо учун 10 июн куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизи миқдорида закалат пулини закалат келишувига асосан «Farg'ona mulk markazi» МЧЖ нинг «Транс банк» Фарғона вилоят филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 6049 4306 3001. МФО: 01123, СТИР: 302 134 194.

Манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уй. Тел: (0-373) 244-35-16. www.rmm.uz. Гувоҳнома №1177.

Хизматлар лицензияланган.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали қуйидагиларни маълум қилади!

Давлат рақобат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 16 сентябрдаги 207-а/ф-сонли буйруғига асосан, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалининг танлов савдоларига чиқарилган Сурхондарё вилоят Термиз шаҳар, Нурафшон (Т.Сайдалиев) кўчаси 63-уйда жойлашган Термиз шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги Омборхона ва хўжалик бинолари танлов савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Давлат рақобат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 30 апрелдаги 105-а/ф-сонли буйруғи ва 2015 йил 1 майдаги 01/05-1542-сонли хати.

Манзилимиз: Сурхондарё вилояти филиали, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" бинои, 2-қават, 6-хона. Тел: (0376) 221-77-94. Лицензия: RR-0001.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 12 мартдаги 32-к-ПО-сонли ва 2015 йил 10 апрелдаги 54-к-ПО-сонли буйруқларига асосан, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уй манзилида жойлашган. Собиқ 2-сонли давлат мева-сабзавот тайёрлов корхонаси бино иншоотларидан иборат мулкий мажмуаси ҳамда Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бинокор қўрғони, Шоликор (Юбилейная) кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 5 майдаги 67-к-ПО-сонли буйруғи ва 2015 йил 6 майдаги 06\514х-сонли хати.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1- "А" уй. Тел: (0371) 228-80-26. Лицензия: RR-0001.

ТИББИЁТ

СОҒЛОМ ЭЛНИНГ ЭРТАСИ БОР

Ҳар тонгни қуёш билан қарши олувчи бувижоним учун тоза ҳавода сайр қилиш, бадантарбия машқларини бажариш одатий бир ҳол. Тетик ва серҳаракат, соғлигидан ҳеч қачон шикоят қилмайдиган, бизни ҳам ўрнак олишга ундайдиган бувижоним саломатлигининг сири ҳам шундадир балки...

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада янги имкониятлар эшигини очиб берди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олишга эътибор янада кучайтирилди.

Бугун юртимизда навқирон авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, каби хайрли ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Жумладан, ўтган йилда 6 миллион 500 минг нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Касалликларни барвақт аниқлаш самарали даволашда қанчалар қўл келиши эса ҳеч кимга сир эмас.

Ҳар қандай ютуқ замирида саломатлик ва яхши кайфият ётади, тани соғ ва энг муҳими, фарзандлари саломатлигидан кўнгли тўқ ота-она иш жойида ҳам юқори самарадорликка эришган ҳолда меҳнат қилади. Статистик маълумотларга қараганда, сўнгги ўн йил мобайнида ўтказилган амалий ишлар натижасига кўра туғма нуқсонлари бўлган болалар 1,3 баробар, 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайган.

Ҳозирда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Шунингдек, йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилди. Ушбу тиббиёт масканларининг сонини янада оптималлаштириш, замонавий диагностика ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий мактаблар негизида 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказ ташкил этилиб, хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия, тиббий реабилитация, дерматология ва венералогия, физиотерапия ва пулманология ҳамда эндокринология каби йўналишлардаги фаолият янада юқори поғонага кўтарилди. Ўтган йилда 133 та тиббиёт муассасаси янгидан қурилди ва реконструкция қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майдаги "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган 14 та тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадалари томонидан ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, турли гуруҳдаги ногиронлар самарали тиббий кўрикдан ўтказилди.

Мухтасар айтганда, бугун биз соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаш йўлидаги одилона сиёсатга гувоҳ бўлиб турибмиз. Зеро, жисмонан ва маънан соғлом жамиятнинг эртаси буюк эканлиги жонажон Ўзбекистонимиз мисолида тобора яққолроқ намоён бўлаётир.

Покиза ТУРДАЛИЕВА,
ЎзМУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи:
1."Фарғона вилояти Фарғона тумани Сойбўйи ҚФЙда 2-сонли нотариал идораси ва ФХДЁ биноси қурилиши".
Бошланғич нархи: **946 736 699 сўм ҚҚС сиз ва 1 136 084 039 сўм ҚҚС билан.**
Муддати – **25.10.2015 йил.**
2."Фарғона вилояти Бешариқ тумани, Булоқбоши МФЙда нотариал идораси ва ФХДЁ биноси қурилиши".
Бошланғич нархи: **965 555 851 сўм ҚҚС сиз ва 1 158 667 021 сўм ҚҚС билан.**
Муддати – **25.10.2015 йил.**
3."Фарғона вилояти Тошлоқ тумани, Тошлоқ шаҳар А.Навоий кўчасида нотариал идора ва ФХДЁ биноси қурилиши".
Бошланғич нархи: **961 226 952 сўм ҚҚС сиз ва 1 153 472 342 сўм ҚҚС билан.**
Муддати – **25.10.2015 йил.**
4."Фарғона вилояти Бувайда тумани, Янгиқўрғон ҚФЙ Беклар қишлоғида давлат нотариал идора ва ФХДЁ биноси қурилиши".
Бошланғич нархи: **799 750 890 сўм ҚҚС сиз ва 959 701 068 сўм ҚҚС билан.**
Муддати – **25.10.2015 йил.**
Қурилиш-монтаж ишлари: **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**
Манзил: **Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси, 149. Тел: (0 373) 244-54-31, факс: 244-55-28.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 36- уй, телефон/факс: (373)244-68-90, 244-68-92, 98/ 276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Б.Марғиноний кўчаси, 149-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи:
1."Фарғона вилояти Бувайда тумани-даги 2-сонли мактабга 18х30м ўлчамли спортзал ёрдамчи хоналари билан қурилиши".
Бошланғич нархи: **990 955 495 сўм ҚҚС сиз; 1 189 146 594 сўм ҚҚС билан;**
Муддати –**01.09.2015 йил.**
2. «Фарғона вилояти Бағдод тумани Бағдод марказидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биносини реконструкция қилиш ишлари».
Бошланғич нархи: **881 244 000 сўм ҚҚС сиз; 1 057 492 800 сўм ҚҚС билан.**
Муддати – **01.09.2015 йил.**
3. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги "Олимпия маркази"даги якка кураш бўйича спорт мактабини реконструкция қилиш ишлари».
Бошланғич нархи: **1 299 635 417 сўм ҚҚС сиз; 1 559 562 500 сўм ҚҚС билан.**
Муддати – **01.09.2015 йил.**
4. "Фарғона вилояти Кува шаҳар М.Ҳасанов ҚФЙ, Ҳасанов кўчаси 2-ўрта мактаб ҳудудидаги фойдаланмаётган 2-қаватли бинони мусиқа ва санъат мактабига мослаштириш учун реконструкция қилиш ишлари".
Бошланғич нархи: **1 297 228 583 сўм ҚҚС сиз; 1 556 674 300 сўм ҚҚС билан.**
Муддати –**01.09.2015 й.**
5. "Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Олтиариқ шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш ишлари".
Бошланғич нархи: **1 828 668 448 сўм ҚҚС сиз; 2 194 402 138 сўм ҚҚС билан.**
Муддати – **1.09.2015 йил.**
Қурилиш-монтаж ишлари: **Ўзбекистон Республикаси болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**
Манзил: **Фарғона шаҳар ,Темирйўл кўчаси, 37-уй. Тел.(0373) 401-52-05.401-52-01.**

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим этишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси 36-уй, телефон/факс: 98-276-25-48. (0373)244-68-90, 244-68-92.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси, 37- уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

2015-yil 14-may, payshanba, № 60 (3565), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

Нукус шаҳридаги 34-умумтаълим мактабида 1 минг 76 нафар ўқувчи илғор педагогик таълим стандартлари асосида сабоқ олмоқда.

Мактабнинг ўқув синфлари, лаборатория, компютер хоналари замонавий ўқув жиҳозлари ва кўргазмали қуроллар билан таъминланган. Бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази доим ёшлар билан гавжум. Фан, ижод ва спорт йўналишида 30 га яқин тўгарак фаолияти йўлга қўйилган.

Суратда: Нукус шаҳридаги 34-умумтаълим мактабида.

ЎзА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат

МУЛОҲАЗА

Бундан уч ой олдин дугонам турмушга чиқди. Тўй ажойиб тадбир-да, бир томонда карнай-сурнай, бир томонда ноғоралар садоси. Куй-қўшиқлар дилларга ором бахш этди.

ТЎЙ БИР ЁНУ ЎЙ БИР ЁН...

Халқимиз азалдан ана шундай: топган-тутганини ҳаётининг мазмуни бўлмиш фарзандлари тўйига сарфлайди. Меҳмондўстлиги боисми, тўйлари тўкин-сочинлик билан ўтади. Дастурхон турли ноз-неъматлар билан тўлиб тошади. Албатта, тўкин-сочинлик яхши. Аммо ёшларнинг бир вакили сифатида мени бошқа нарса ўйлатади. Нега ота-оналаримиз йиллар давомида тўплаган бор-будларини бир кунда ўтиб кетадиган тўй учун сарфлашади. Аслида, шундай дабдаба биз фарзандлар учун керакми?

Дугонамнинг тўйини эслаб, шунча исрофгарчилик кимга керак экан, деб ачиниб кетаман. Айниқса, тўйда хизматда бўлган энг сўнгги русумдаги автоуловлар учун кетган маблағни ҳисоблаб кўриб, янада ҳайратим ошди. Шу маблағга Парижга бориб келса бўлар экан. Ажаб ҳол.

Ҳаммасидан ҳам дугонамнинг қайнонаси ҳали тўй бўлмасдан туриб ўғлига "Келинга айт, мебелларни чет элникидан олсин!" деб шарт қўйганини айтмайсизми?! Савол туғилади: келиннинг оиласи чет эл мебелини олишга қурби етмаса-чи? Мебел билан ёш келин-куёв бахтли бўлиб қолармиди? Қарангки, маънавияти ҳаминқадар одамлар учун мебел ҳам бахтни белгилар экан?

Дугонамни яқинда кўриб қолдим. Айтишича, оиласи бузилибди. «Нега», дея ажабландим. У менга маъюс қараб турди-да, гап бошлади: "Келин бўлиб тушган кунимдан қайнонам сепимни камситарди. Жуда паст одам экансизлар, сарполарингг ҳам, мебелларинг ҳам бир чақага арзимайди", дея икки гапининг бирида такрорларди. Ахир буларни бечора ота-онам қанча заҳмат чекиб олган эдику! Оилам учун барча гап-сўзларга чидадим. Лекин, барибир, бирга яшай олмадик. Қайнонам бой жойдан келин қилишни хоҳларди. Турмуш ўртоғим ҳам онаси билан курашиб чарчади. Охири қайнонам мақсадига етди. Бахт бойликда эмас, балки икки ёшнинг ўзаро келишиб, бир-бирларини тушуниб яшашларида эканлигини қайнонамга тушунтиролмадим. Алал-оқибат ота уйимга қайтишга мажбур бўлдим".

Тўйларимизга тош отиш ниятим йўқ. Лекин шу баҳона ким ўзарчиликка тўй қилиш инсофдан эмас. Тўйларда дабдабабозлик эмас, ихчамлик, бир-бирини тушуниш муҳим, назаримизда.

Зайнура ТОШМУРОДОВА,
ЎзМУ талабаси

Спорт янгиликлари

Шахмат

Таиланднинг Паттайя шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Жавоҳир Синдоров олтин медални қўлга киритди.

ЖАВОҲИР — ДУНЁДА ТЕНГСИЗ!

Тезкор шахмат бўйича ўн бир ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда қатнашган Жавоҳир Синдоров таиландлик Аморн Жираттаначароен, гонконглик Панг Хо Хуанг, филиппинлик Жастин Мордидо, мўғулистонлик Тенгис Цог-Очир, хитойлик Бокай Янг, малайзиялик Хое Ках Чеахни мағлубиятга учратиб, озарбайжонлик Мирмусо Файзиев билан дуранг ўйнади ва 6,5 очко билан шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Етти ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида қатнашган ёш шахматчимиз Акобирхон Сайдалиев етти имкониятдан беш очко жамғариб, жаҳон чемпионатининг бронза медалига эга бўлди.

Спорт гимнастикаси

Юртимизнинг энг тажрибали ва совриндор спортчиларидан бири Оксана Чусовитина Болгариянинг Варна шаҳрида ташкил этилган Жаҳон кубогининг навбатдаги босқичида энг юқори натижани қайд этиб, олтин медал соҳибасига айланди.

ОКСАНАНИНГ ҒАЛАБАСИ

Таяниб сакраш машқларида Оксана Чусовитина 14,650 очко тўплаб, асосий рақибалари словакиялик Тея Белак (14,250 очко) ҳамда швейцариялик Жулия Штайнгруберни (14,050 очко) сезиларли фарқ билан ортда қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, Оксана Чусовитина жорий йилги Жаҳон кубоги босқичларида уч маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Жаҳон ўйинлари

Сеул шаҳрида давом этаётган Жаҳон ўйинлари (IBSA World Games)да ҳамюртларимиз томонидан қўлга киритилган олтин медаллар сони яна биттага ортди.

ЯНА БИР ОЛТИН МЕДАЛ

Тажрибали спортчимиз Дмитрий Хорлин 400 метрга эркин усулда сузишда энг юқори натижага эришиб (04:17.06), навбатдаги олтин медални қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, Жаҳон ўйинларининг илк кунидаёқ мамлакатимиз спортчилари биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлган, ғазнамизга дастлабки олтин медални айнан Дмитрий Хорлин 200 метр масофага эркин усулда сузишда келтирганди.

Ўз мухбиримиз

ДУНЁ ВА ОДАМ

Алберто Жакометтининг "Ишора қилаётган одам" асари Нью-Йоркда ташкил этилган аукционда 141 миллион 285 минг АҚШ долларига баҳоланди. Натижада, у аукционда сотилган энг қиммат ҳайкалга айланди, дея хабар бермоқда Forbes нашри.

Энг қиммат ҳайкал

180 сантиметрли бронза ҳайкал 1947 йилда швейцариялик уста томонидан ясалган. У аукциондаги "Ўтмишга олға" савдоларида энг қиммат буюмларлардан бири деб ҳисобланаётганди. Савдолардан олдин мутахассислар томонидан унинг нархи 130 миллион АҚШ доллари деб белгиланган эди.

Бунгача Жакометтининг "Қадам ташлаётган одам" асари энг қиммат ҳайкал ҳисобланарди.

IBM корпорацияси муҳандислари томонидан яратилган Watson суперкомпютери унга мутлоқ янги йўналиш — соғлиқни сақлашга қаратилди. Эндиликда суперкомпютер саратонга учраган беморлар учун энг самарали дорилар тўпламини топиш ва ҳисоблаб чиқиш учун ўсимталарни таҳлил қилишда ёрдам беради. Бу ҳақда The Medical хабар тарқатди.

Суперкомпютер ракка қарши

Суперкомпютердан ушбу мақсадда фойдаланиш АҚШнинг персоналаштирилган тиббиётни ривожлантириш дастурининг бир қисми ҳисобланади. Онкологик касаллик ирсий мутация оқибатида юзага келувчи, ўзидан назорат қилиб бўлмайдиган ҳужайралар ўсишини намоён қилади. Олимлар айнан қандай мутация саратонга сабаб бўлаётганини аниқлай олсалар, унда бу касалликни анча самаралироқ даволаш мумкин бўлади.

Бунда асосий муаммо ДНКни текширишда катта миқдордаги маълумотларни қайта ишлаш бўлиб, бу вазифани оддий компютерлар эплай олмайди. Чунки минглаб ирсий мутациялардан касалликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлганини аниқлаш катта ҳисоб-китобларни талаб қилади.

Компютерга ДНК нусхалари юкланади, сўнгра компютер олинган маълумотлар ичидан саратоннинг келиб чиқишига сабабчи омилни қидиришни бошлайди. Компютер хотирасига аввалдан турли клиник синовлар ва тасдиқланган дорилар бўйича маълумотлар киритилади. Керакли мутация аниқлангандан кейин, Watson у ёки бу дори-дармонлар билан даволашнинг барча комбинацияларини таҳлил қилишга ўтади. IBM дастурчилари суперкомпютерни бундай вазифаларни бажара олишга тайёрлашлари учун ярим йилдан кўпроқ вақт сарфлашди.

Ив Росси ва унинг шериги Венс Реффет елкага осиб олинадиган реактив қурилмалар билан Дубай осмони узра учиб ўтишди. Бу ҳақда The Independent нашри хабар бермоқда.

"Учар одамлар"

Улар ўзлари ясаган ускуналар билан саёҳат қилишни чўллардан бошлашган, ороллар устидан учишган ҳамда дунёдаги энг баланд бинони айланиб ўтишган. Парвоз сайёҳлар ёнида учиб борган самолётнинг бортига ўрнатилган камералар ҳамда GoPro камералари ёрдамида тасвирга олинди.

"Жетмен" лақаби билан машҳур бўлган швейцариялик учувчи-ихтирочи Ив Росси реактив одам ва Гиннесс рекордлари китоби рекордчиси ҳисобланади.

Интернет материаллари асосида
А. АРСЛОНОВ тайёрлади.

САЁҲАТ

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси томонидан меҳнат жамоасининг Самарқанд шаҳрига зиёрати ташкил этилди.

— «Афросиёб» тезюрар поезди Гулистон шаҳри бўйлаб кетган темирйўлдан ўқдек учиб ўтишини кўп маротаба томоша қилганман, аммо ўзим унга чиқмаган эдим, — дейди Муборак Эржигитова. — Мана бугун Самарқандга саёҳатга ушбу замонавий уловда йўлга чиқдик. Чиройли вагон, озода ва қулай ўриндиқлар, хушмуомала хизматчилар... Нимасини айтасиз, эртаклар дунёсига тушиб қолгандек бўлдим.

КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ – САМАРҚАНДДА

— Мен эса азонлаб «Аэробус 320» да кўкка парвоз қилдим. Самолёт булутлар устидан учиб ўтаётганда ўзимни еттинчи самода туйдим, — дейди бирлашма қоровули Иномжон Рустамов.

Зиёратчилар дастлаб Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюришди. Буюк ҳадисшунос олимнинг руҳи покларига қилинган дуойи фотиҳадан сўнг ҳазрати Дониёл алайҳиссаломнинг қабрини зиёрат этишди. Ривоят қилишларича, қабр ёнидаги дарахт 500 йилдан буён қад ростлаб турибди, ундан сал нарида ҳазрат ибодат қилишга кирадиган ғорнинг эшиги кўринади. Пастрокда шилдираб оқиб турган булоқ сувида юзини чайган, истеъмол қилган кишининг дили равшан тортади.



Зиёратчилар Гўри Амир ансамбли, сўнгра Регистон майдонида бўлдилар.

Донишманд шарқ аёллари тимсоли бўлмиш Бибихоним мадрасаси биноси ҳам кўркамликда ўзига хос.

Самарқанд ҳунармандлари ясаган ҳайкалчалару дандон пичоқлар, кўзмунчоқлару тасбеҳлар, миллий кийим-бошлар ўта харидоргир бўлиб, савдо дўконлари улуғлар қадами теккан юртдан оила аъзолари-ю яқин дўстларига совға харид қилаётган одамлар билан гавжум.

— Самарқанд обинонлари ва ҳолваси энг тансиқ совға, — дейди зиёратчи Баҳорой Йўлдошева. — Қизиғи, ҳеч қаерда бундай нонни ёпиб бўлмайди.

Қайтишда гуруҳлар яна вокзал ҳамда аэропортга бўлиндилар. Самарқанд шаҳрига поездда келганлар ҳаво кемасига, самолётда келганлар тезюрар поездга чиқишди.

— Бундай сайру саёҳатлар меҳнаткашларнинг кайфиятини кўтариб, иш унуми янада ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Кексаларни эъзозлаш йили давомида бундай тадбирлар нафақат касаба уюшма тизимидаги ташкилот, корхона ва муассасалар меҳнат жамоалари билан, балки «Нуроний» хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда фахрийлар учун ҳам уюштирилади, — деди ВКУТБ кенгаши раиси ўринбосари Қаршибой Эшназаров.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

ЎСМИРЛАРНИНГ КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ

Инсон қалби ҳамиша гўзалликка ошуфта. Заковат, яратувчанлик туйғуси уни янгиликлардан бехабар қолмасликка, ўзига хосликка ундайди. Бу туйғу ўсмирлик палласида, айниқса, кучаяди.

Ўсмирлик даврида кийим-кечакка, модага, ясанишга аҳамият бермайдиган қизнинг ўзи бўлмайди. Бу ҳаракат замирида атрофдагиларга ёқиш, улар эътиборини жалб қилиш истаги ётади, албатта. Аввал ота-она томонидан олиб берилган ҳар қандай кийимни хурсанд бўлиб кийган қиз энди ўзига ёққанинигина талаб қилишни бошлайди. Сабр билан иш тутиш, ўзаро келишув асосида маъқул йўлни танлаш мақсадга мувофиқлиги унутилади.

Бундай шароитда она қизига кийиниш, "мода" деган нарса тез-тез ўзгариши, ҳар бир инсоннинг ўзига хос кийиниш услуби бўлиши, ҳамма бир хилда кийинишга мажбур эмаслигини тушунтириши фойдадан холи эмас.

Ўсмирлик даврида кучаядиган худбинлик туйғуси таъсиридан огоҳ бўлиш даркор. Истаги бажарилмаса, турли ножоиз хатти-ҳаракатлар билан норозилигини намойиш қилиш калтабинликдан бошқа нарса эмас. Маънавияти тўкис киши инсоннинг қадр-қиймати кийган кийими билан ўлчанмаслигини яхши билади, ноўрин талаблар билан ўзини ҳам, ота-онасини ҳам қийнамайди. Асосийси, инсоннинг дид билан кийиниши, кийган либосининг ўзига ярашиб туришидир.

Ота-она қизига бирор нарсани кийишни тақиқлашдан олдин муқобил вариантларни таклиф этиши лозим. Қизларга хос ҳаё, иффат кийиниш маданиятида ҳам акс этиши, урф бўлди, деб очиқ-сочиқ, ярим яланғоч кийиниш мумкин эмаслиги, бу бизнинг менталитетимизга тўғри келмаслиги, миллий кийиниш тарзига амал қилиш зарурлигини ётиғи билан тушунтириши шарт. Қолаверса, уйда, кўчада, меҳмондорчиликда, ишда, спорт билан шуғулланганда, тўйда, азада кийиладиган кийимлар бир-биридан фарқ қилишини фаҳмлаш хижолатда қолмасликнинг муҳим шартларидан бири эканини ҳамма билиши керак.

Танлаш имкониятини бериш, ўз хатосини онгли равишда тузатишига шароит яратиш энг тўғри йўлдир. Унутманг: тақиқланган нарса жозибали бўлади.

Баъзан шундай ҳам бўладики, қизлар уйдан ота-онаси истаганидек кийиниб чиқади, кейин бирор жойда ўзига маъқул, сумкасида олиб юрадиган кийимини кийиб олади. Аслида, бу ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмаслигини, афсуски, ҳамма ҳам тушунавермайди. Фойдали машғулотлар билан банд бўлган, ўқишга, ҳунар ўрганишга қизиқадиган қизларда бундай муаммолар деярли кузатилмайди. Ташқи таъсирларга берилиш ҳолати мустақил фикрга эга бўлмаган, бошқаларнинг йўриғига осонгина йўрғалайдиган ёшларда кўпроқ учрайди.

Кийимлар фақат ташқи безак эмас. Улар саломатлигимизда ҳам муҳим ўрин тутади. Ўсмир қиз тор, калта кийимларни кийиш саломатликка салбий таъсир қилишини билиши лозим. Шунингдек, фаслга, иқлимга мос ҳолда кийиниш, табиий матолардан тикилган либосларни кийиш фойдали эканини ҳам англаши зарур.

Маданиятнинг узвий қисми бўлган кийиниш қоидалари ўғил болаларга ҳам баб-баравар тегишли. Бу даврда кўпчилик болалар сочини ўстиришни истаб қолади. Баъзи йигитлар ҳатто қулоғига зирак тақишни одат қилади. Бўйнига занжир осиб, қўлига узук тақиб олади. Бундай хатти-ҳаракатлар кўпчилик томонидан салбий баҳоланишини билса-да, айтганидан қолмайди. Ота-онанинг тақиқлари эса муносабатларнинг кескин ёмонлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Бу даврда ёшларнинг гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора тарғиб этилаётган янгиликларга эргашиб кетиши жуда осон. Чунки бу даврда уларда маънавий иммунитет у қадар кучли бўлмайди. Айниқса, "Оммавий маданият" ниқоби остида таклиф этилаётган тубанликларнинг даҳшатли оқибатларини тўла ҳис қила олмайди. Шунинг учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси бу ишга дахлдорлигини ҳис қилиши, ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмаслиги зарур.

Ўсмир йигитларда мардона фазилатларни шакллантиришда спортнинг аҳамияти беқиёс. Кучли иродага эга бўлган шахс ўткинчи ҳаваслларга берилмайди, ўзига ярашмаган ишларни қилмайди, ташқи кўринишга керагидан ортиқ муккасидан кетмайди. Шунингдек, тарихни яхши ўрганиш, аждодлар фаолиятидан хабардор бўлиш, уларнинг эзгу ишларидан ўрнак олиш ҳам маънавиятни юксалтиради. Маънавияти юксак инсонга ҳеч қандай босим, ғаразли ташқи таъсирлар зарар етказа олмайди.

Улғаётган ўсмирга ўз вақтида тўғри йўналиш бериш — уни салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш демакдир. Зеро, бугунги қизлар эртанинг бўлажак оналари, миллат келажагининг тарбиячилари; бугунги йигитлар эса бўлажак оталар, миллатнинг давомчиларидир. Шундай экан, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлишларига эришиш барчага бирдек масъулият юклашини унутмаслигимиз даркор.

Феруза ШОДИЕВА,
Навоий педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-94) 418-67-49
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 999-58-30
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: Z.Rixsiyev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **22:10**
Topshirildi — **22:30**
1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 515.
19209 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133